



## ТАЛАБАЛАРНИНГ МУСТАҚИЛ ИШ ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАЗМУНИ ВА ФУНКЦИЯЛАРИ

Хайитова Ш.Д.

Самарқанд давлат тиббиёт университети в.б.доценти

Нормуродов С.

Самарқанд давлат тиббиёт университети тиббий педагогика факултети 5 курс талаба

### Аннотация

Мақолада олий таълим тизимида талабаларнинг мустақил таълим олишларини ҳамда ахборот-технологик ва зарурий компетенцияларни ривожлантиришга қаратилган вазифалар иатрофлича ёритилган.

### Калит сўзлар

Таълим, компетенция, ахборот муҳити, индивидуал, мустақил таълим, ташкил этиш, кўникма, малака.

**Кириш.** Республикамиз таълим муассасаларида хорижий давлатлар тажрибалари асосида талабаларнинг мустақил иш фаолияти, ўқув услубий таъминоти, янги ўқув технологияларини таълим жараёнига жорий этиш, олий таълим муассасаларининг халқаро илмий таълим муассасалари билан ҳамкорлик алоқалар ўрнатиши, ўқув жараёнига, халқаро таълим стандартларига асосланган педагогик технологиялар ва ўқув услубий материалларни жорий қилишнинг мўърий асослари яратилди ва таълим муассасаларининг инфраструктуриси ривожлантирилди. “Ёшларни жисмонан соғлом, руҳан ва ақлан ривожлаган, ватанга содиқ, қаътий ҳаётий нуқтаи назарга эга ёшларни тарбиялаш, демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш” устуворвазифалар белгиланди. Натижада талабаларнинг мустақил иш фаолиятига бўлган қизиқишлари ортиб, иқтисодийнинг реал секторига малакали рақобатбардош кадрлар тайёрлашга эришиш имкониятлари кенгайди.

Замонавий таълимнинг мақсади-мутахассис модели талабларига мос равишда ашаклантириладиган билим, кўникма ва малакалар тизимидан таркиб топиб, у тегишли таълим стандартларида ўз ифодасига эга бўлади. Бундан келиб чиққан ҳолда талаба мустақил таълимнинг, ундаги қуйидаги кўникма ва малакаларни таркиб топтиришнинг аҳамияти ортиб бормоқда.

1. Мустақил таълим олишни режалаштиришга оид кўникма ва малакалар:

- мустақил фаолият юритишнинг индивидуал режасини тузиш;
- режа асосида мақсадли фаолият юритиш;
- ўз фаолиятини назорат қилиб, унга зарур тузатишлар киритиб бориш.



2. Илмий ва ўқув ахборотларида йўналиш олишга оид кўникма ва малакалари:

- илмий ва ўқув ахборотлари оқимида йўналиш топа билиш;
- янги ахборотларни мустақил таҳлил қилиш ва баҳолай олиш;
- ҳал этилиши лозим бўлган муаммо нуқтаи назаридан ахборот манбаларини қидириб топиш;
- олинаётган ахборотлар мазмунидаги янги ва истиқболли янгиликларни кўра олиш.

3. Библиографик ишларга оид кўникма ва малакалар:

- библиографик қўлланмалар ва каталоглардан тизимли равишда фойдаланиш;
- илмий, ўқув ва бошқа адабиётлар рўйхатини илмий библиография қоидалари асосида юрита олиш.

4. Маърузаларни тўғри ва рационал эшитиш ва ўзлаштиришга оид кўникма ва малакалар:

- маърузалар мавзуси ва режасини, адабиётлар рўйхатини белгилаб олиш;
- баён қилинадиган ахборотларни тўғри қабул қилиш;
- асосий муаммо, ғоя ва хулосаларни ажрата олиш;
- асосий мазмунни ўз сўзлари билан қисқача ёзиб олиш;
- тўпланган ёзувларни қайта ишлаш, сақлаш ва улар мазмунини таълимий мақсадларда қўллаб бориш.

5. Китоб билан ишлашга оид кўникма ва малакалари:

- китоб билан умумий ҳолатда танишиш, унинг муаллифи, мазмуни, хулосаси, иллюстрациялари ҳамда аннотацияларини билиш;
- китоб мантиқий тузилмасини ажратиб олиш;
- ўрганилаётган матнни тўлақонли тушуниб олиш учун қўшимча қўлланмалар:
- луғат, инциклопедия, маълумотномалардан фойдалана олиш;
- ўқиб чиққан маълумотларни тезислар, конспектлар кўринишида қайд этиб бориш.

Олий таълим тизимида таҳсил олаётган талабаларнинг ўқув машғулотларини кузатиш давомида шу нарса аниқландики, мустақил иш фаолиятини такомиллаштириш ҳаракатга ундовчи, онгли қизиқиш, ҳавас уйғотувчи куч бўлиб ҳисобланади. Онгли қизиқиш -мустақил фаолиятнинг энг муҳим кўрсаткичи, юқори даражасидир. Бу эса дарс бераётган ўқитувчилар маҳоратининг даражасига боғлиқлиги сабабли талабаларда у ёки бу фан ёхуд касб мутахассислигига нисбатан қизиқиш шаклланади. Педагогик ва услубий адабиётларда мустақил иш фаолиятининг куйидаги белгилари ажратилади: дидактик, ташкилий, психологик ва бошқалар. Шунинг учун мустақил иш фаолиятининг моҳиятини ўрганишда турли йўналишлар: дидактик, ташкилий, психологик ва бошқалар пайдо бўлади.



Кўпчилик муаллифлар тадқиқот мақсадларига қараб, ушбу йўналишларнинг бир ёки иккисини афзал кўради. Натижада “мустақил иш фаолияти” тушунчасини аниқлашда турли ёндашувлар мавжуд эканлиги намоён бўлади.

Талабаларнинг мустақил иш фаолияти илмий ташкилоти - бу шахснинг фаолияти ва мустақиллигини ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар тизими ва фойдали маълумотларни олиш учун рационал равишда (яъни, вақт ва куч сарфлашсиз) кўникмаларини ривожлантириш. Аксарият ҳолларда махсус адабиётда талабаларнинг мустақил иш фаолияти тор маънода - бир хил илмий иш сифатида тушунилади. Ўз-ўзини тарбиялаш -ўқув жараёнига параллел равишда ўқиётган талабаларнинг ўзини ўзи тайёрлашидир. Талабаларнинг мажбурий мустақил иш фаолияти ўз ифодасини уй вазифаси шаклида топади, уни ўз вақтида бажариш учун мустақил иш фаолияти жадвалини тузиш, талабалар вақтининг бюджетини ўрганиш ва ҳатто мустақил иш фаолияти кунини ажратиш тавсия этилади.

Талабаларнинг мустақил иш фаолиятини такомиллаштириш жараёнида у ёш мутахассиснинг шахсий хусусиятлари сифатида фаолият ва мустақилликка эришади:

-у тез илмий ва техник тараққиёт шароитида илмий маълумотларга риоя қилишни ва замонавий фан даражасида бўлишни ўрганади;

-унинг доимий равишда тўпланиши ва билимларини яхшилашга ички эҳтиёж бор;

-у турли манбалардан янги билимларни олиш учун вақт ва куч сарфлашнинг энг самарали усулларини қўллайди.

Шундай қилиб, талабаларнинг мустақил ишини ташкил қилиш асосига, бизнинг назаримизда компетентлик, фаолиятлилик, тизимли ёндашув қўйилиши керак. Мустақил ишни ташкил қилишнинг ўзига хос хусусиятлари ҳужжатлар қоидалари, ҳозирги замон босқичида таълим жараёнини ташкил қилишни тартибга солувчи таълим муассасалари фаолияти хусусиятидан келиб чиқади. Талабаларнинг индивидуал имкониятларини ҳисобга олган ҳолда талабалар мустақил ишининг турли шакл ва турларини қўллаш, олинган натижанинг аҳамиятлилигини кўрсатиш, мустақил ишга мотивацияни оширишга, топшириқларнинг муаммоли ва фанлараро хусусияти талабалар томонидан умумий ва касбий компетенцияларни эгаллашга хизмат қилади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Касимова, О. Х. (2023). Роль Инновационных Технологий В Качественной Организации Образовательного Процесса Женщин-Педагогов. Research Journal of Trauma and Disability Studies, 2(12), 397-401.
2. Qosimova, O. (2023). Technology for increasing the social activity of teachers. International Bulletin of Medical Sciences and Clinical Research, 3(5), 177-179.
3. Normurodov, S. (2023). Activation of the independent work of a higher education student using a science textbook in the lecture lesson. International Journal of Advance Scientific Research, 3(06), 262-265.



4. Daniyarovna, K. S. (2023). Independent Education-As a Process of Professional Training of Students. *Journal of Pedagogical Inventions and Practices*, 17, 80-93.
5. Хайитова, Ш. Д., & Нормуродов, С. (2023). Бўлажак тиббий таълим ўқитувчиларини мустақил таълим методикасини такомиллаштириш. "xxi asrda innovatsion texnologiyalar, fan va ta'lim taraqqiyotidagi dolzarb muammolar" nomli respublika ilmiy-amaliy konferensiyasi, 1(7), 70-75.
6. Daniyarovna, K. S., & Alisherovna, N. L. (2023). Methodological basis of activating students' independent learning in the study of general sciences. *Spectrum Journal of Innovation, Reforms and Development*, 12, 183-201.
7. Normurodov, S. (2023). Theoretical model of student independent learning activation based on mobile technologies. *International Journal of Advance Scientific Research*, 3(06), 257-261.
8. Daniyarovna, K. S., & Alisherovna, N. L. (2023). The Importance of Didactic Conditions in Improving the Independent Education of Students. *Eurasian Journal of Learning and Academic Teaching*, 17, 121-136.
9. Шахноза Хайитова (2021). Таълим тизими самарадорлигини оширишда мустақил таълимнинг ўрни. *Academic research in educational sciences*, 2 (4), 1478-1486. doi: 10.24411/2181-1385-2021-00761
10. Daniyarovna, H. S. (2021). The Main Features of Organizing Students' Independent Work in The Educational Process. *Central asian journal of literature, philosophy and culture*, 2(2), 16-21.
11. Хайитова, Ш. Д. (2021). Талабалар Мустақил Таълим Олишини Фаоллаштириш Бугунги Давр Талаби. Таълим ва Ривожланиш Таҳлили онлайн илмий журнали, 1(5), 153-158.
12. Хайитова, Ш. Д., & Розикова, Л. Т. (2021). Талабалар Мустақил Таълимни Фаоллаштиришда Ахборот Технологиянинг Ўрни. Таълим ва Ривожланиш Таҳлили онлайн илмий журнали, 1(5), 162-167
13. Хайитова, Ш. (2021). Таълим тизими самарадорлигини оширишда мустақил таълимнинг ўрни. *Academic research in educational sciences*, 2(4), 1478-1486.
14. Hayitova, S. D., & Abdulhayev, I. A. O. (2022). Ta'lim muassasalarida va o'zbek oilalarida bolalar ma'naviyatini shakllantirishda kitobxonlikning o'рни. *Science and Education*, 3(2), 796-802.
15. Hayitova, S. D. (2022). The levels of students' independent learning activities and the ways to improve working independently. *Mental Enlightenment Scientific-Methodological Journal*, 2022(2), 136-149.
16. Daniyarovna, H. S. (2022). Mechanisms to activate student independent learning. *Spectrum Journal of Innovation, Reforms and Development*, 4, 293-296.
17. Daniyarovna, H. S. (2022). THE importance of independent learning in improving the quality of teaching. *Spectrum Journal of Innovation, Reforms and Development*, 4, 308-316.
18. Daniyarovna, H. S. (2022). The didactic model of activating students' independent work. *Spectrum Journal of Innovation, Reforms and Development*, 4, 303-307.



19. Daniyarovna, H. S. (2022). Activation of independent student study on the basis of modern approach. *Spectrum Journal of Innovation, Reforms and Development*, 4, 283-288.
20. Daniyarovna, H. S. (2022). Ways to activate student independent education. *Spectrum Journal of Innovation, Reforms and Development*, 4, 297-302.
21. Choriev, R. K., Khujakeldiev, K. N., Kucharov, S. A., Khayitova, S. D., Abdiev, N., & Amirqulov, X. Q. (2022). Pedagogical Problems Of Distance And Traditional Education. *Journal of Pharmaceutical Negative Results*, 2895-2904.
22. Hayitova, S. D., & Abdulhayev, I. A. O. (2022). Education in institutions and uzbek in their families children spirituality in shaping of reading place . *Science and Education*, 3(2), 796-802.
23. Xudoynazarovna, Q. O., & Azamat o'g'li, N. S. (2023). Development of Teachers' Moral Competence is the Demand of the Times. *American journal of science and learning for development*, 2(5), 57-59.

WORDLY  
KNOWLEDGE